

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФРАНЦУЗ ТИЛИДА *DANS* ПРЕДЛОГИ АСОСИДА МАКОНГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Бекмуроджон Дилмурод ўғли МИРЗАЕВ

ўқитувчи

Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Тошкент, Ўзбекистон

ВЫРАЖЕНИЕ ПРОСТРАНСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ ПРЕДЛОГОМ *DANS* В СОВРЕМЕННОМ ФРАНЦУЗСКОМ ЯЗЫКЕ

Бекмуроджон Дилмурод угли МИРЗАЕВ

Преподаватель

Кафедра теории и практики французского языка
Узбекский государственный университет мировых языков
Ташкент, Узбекистан

THE EXPRESSION OF SPATIAL RELATIONS OF THE PREPOSITION *dans* IN MODERN FRENCH

Bekmurodjon Dilmurod Ugli MIRZAEV

Lecturer

Department of Theory and Practice of the French Language
Uzbekistan State World Languages University
Tashkent, Uzbekistan bekmurod171@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.133.1

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Мирзаев Б. Д. Ҳозирги замон француз тилида *dans* предлоги асосида маконга оид муносабатларнинг ифодаланиши. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 4 (39). — Б. 21–33.

<https://doi.org/10.36078/1633340287>

Received: June 25, 2021

Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада ҳозирги замон француз тилидаги *dans* предлогининг шаклланиш босқичлари, шунингдек, унинг турли хил лингвистик луғатларда берилган маъновий ва лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Француз тилшуносларининг *dans* предлоги ҳақида назарий қарашлари эътироф этилиб, предлогнинг ўрганилиш тарихи, фанга маълум бўлган тушунчалари, мазмун-моҳияти ҳамда муаммолари тўғрисида сўз юритилди. Француз тили предлоглари тўғрисидаги фикрларга асосланган ҳолда *dans* предлоги семантикаси, у англатган маъноларнинг модификацион хусусияти тўғрисида маълумот берилди. Мақоланинг методологик асосини умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, бутун-бўлак, имконият-воқелик диалектикасини эътироф этувчи таълимот ташкил этади. Ана шу методологияга таянган ҳолда ишда тавсифлаш, компонент таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди. *Dans* предлоги сўз бирикмалари таркибида маконга хос хусусиятларини ифодалаш жараёнида ўзининг уч ўлчамли ифодаларини ҳосил қилади. Фанга маълум бўлган геометрик тушунча асосида унинг хусусиятлари уч гуруҳга ажратилди. Гуруҳларга ажратиш учун уларнинг чегаралари асосий вазифани ўтайди. Предлогнинг сўз бирикмалари таркибида объектни қамраб олиш хусусиятини намоён қилувчи уч ўлчамдаги макон тушунчалари бадиий асарлардаги мисоллар намунасида таҳлил қилинди. Француз ёзувчиси Стендальнинг

«Le Rouge et le Noir» (Кизил ва Қора) асари ва унинг ўзбек тилидаги таржимаси мисолида предлогнинг маконга оид муносабатлари киёсий ўрганилди. Тўпланган материаллар асосида *dans* предлоги маъноларининг нутқий модификацияси бўйича тегишли хулосага келинди. Мақолада келтирилган ҳозирги замон француз тилидаги *dans* предлоги ҳақидаги маълумотлар ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун муҳим манбалардин бири ҳисобланади.

Калит сўзлар: предлог; макон; замон; отли бирикма; келишик кўшимчалари; ўрин холи; микдор; моҳият; алоқадорлик; услуб; ўлчам.

Аннотация. В статье исследуются этапы формирования предлога *dans* в современном французском языке и его семантические и лексико-семантические особенности, приведенные в различных лингвистических словарях. В статье были рассмотрены теоретические взгляды французских лингвистов на предлог *dans*, а также обсуждена история изучения предлога, известные науке понятия, его содержание и проблемы. Основываясь на представлениях о французских предлогах, приводится семантика предлога *dans*, а также модифицирующий характер значений, которые он подразумевает. Методологической основой статьи является учение, признающее диалектику общего-конкретного, сущности-события, целого-части и возможности-реальности. На основе этой методологии в работе были использованы методы описания, компонентного анализа, сравнительного анализа. Предлог *dans* создает собственные трехмерные выражения в процессе выражения пространственных особенностей в составе фраз. Основываясь на известной науке геометрической концепции, автор делит ее свойства на три группы. Их границы играют ключевую роль в группировке. Предложные фразы анализируются на примере текстов из художественных произведений трехмерных понятий пространства, отражающих свойство охвата объекта. На примере произведения французского писателя Стендаля «Le Rouge et le Noir» (Красное и черное) и его перевода на узбекский язык сравнительно изучается отношение предлога к пространству. На основании собранных материалов был сделан соответствующий вывод о глагольной модификации значения предлога *dans*. Приведенные в этой статье данные о современном французском предлоге *dans* могут быть полезны исследователям, проводящим исследования в этой области.

Ключевые слова: предлог; пространство; время; существительное; суффиксы падежей; наречные модификаторы места; количества; сущности; релевантности; стиля; измерения.

Abstract. The article studies both the stages of formation of the preposition *dans* in modern French and its semantic and lexical-semantic features given in various linguistic dictionaries. In the article, the theoretical views of French linguists on the preposition were considered, and the history of the study of the preposition, the concepts known to science, its content and problems were discussed. Based on ideas about French prepositions, the semantics of the preposition *dans*, as well as the modifying nature of the meanings it implies are provided. The methodological basis of the article is a doctrine that recognizes the dialectic of general-specific, essence-event, whole-part and possibility-reality. Based on this methodology, the methods of description, component analysis, comparative analysis

were used in the work. The preposition *dans* creates its own three-dimensional expressions in the process of expressing spatial features in the composition of phrases. Based on the geometric concept known to science, its properties are divided into three groups. Their boundaries play a key role in grouping. The prepositional phrases are analyzed in the example of examples in the works of art of three-dimensional concepts of space that reflect the property of object coverage. In the example of the French writer Stendhal's work "Le Rouge et le Noir" (Red and Black) and its translation into Uzbek, the relation of the preposition to space is studied comparatively. Based on the collected materials, an appropriate conclusion was reached on the verbal modification of the meaning of the preposition "dans". The data in this article about the modern French preposition *dans* may be useful for researchers conducting research in this field.

Keywords: preposition; space; time; noun phrase; suffixes of cases; adverbial modifiers of place; quantity; essence; relevance; style; dimension.

Кириш. Жаҳон тилшунослигининг структур-функционал босқичида асосий эътибор тилни тизимли ўрганишга қаратилган. Француз тили предлоглари ва уларнинг ўзбек тилига таржима қилинишида қўлланилувчи келишик кўшимчалари ва кўмакчиларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш замонавий тилшуносликда долзарб масалалардан бири сифатида илмий-амалий аҳамият касб этади. Илмий мақоланинг объекти сифатида француз ва ўзбек тили изоҳли, энциклопедик, этимологик луғатлари ҳамда француз адиби Стендальнинг "Қизил ва қора" романи танланган. Ҳозирги замон француз тилидаги *dans* предлогининг сўз бирикмалари таркибида объектни қамраб олиш хусусиятини намоён қилувчи уч ўлчамдаги макон тушунчаларининг бадиий асарлардаги мисоллари намунасида таҳлил қилинганлиги ишимизнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Асосий қисм. Француз тилида предлоглар от, сифат ёки равишлар билан боғланиб, ўрин-жой, пайт, сабаб каби аниқ воситаларни ифода этади. *Dans* предлоги лексик-семантик хусусиятлари анча кенг қамровли ҳисобланади. Предлог, асосан, макон ва замон хусусиятларини ифодлашда ишлатилади. У ўзбек тилига таржима қилинганда вазифадош кўмакчи бўлган "ичида" сўзига тўғри келади. Отли бирикмалар таркибида эса ўзбек тилидаги ўрин-пайт, жўналиш ва чиқиш келишиклари вазифасини бажаради.

Ҳозирги замон француз тилидаги *dans* предлогининг келиб чиқиши ва морфологик шаклланиш таркиби лотин тилидаги предлог ва равишнинг бирикишидан шаклланган предлогга ишора қилади. Француз тилидаги объектнинг жойлашган ўрнини изоҳловчи *dans* предлогининг вужудга келиш даври узоқ йиллик жараён ҳисобланади. Лотин тили нафақат предлогларнинг, балки луғат таркибидаги аксарият сўзларнинг ҳам шаклланиш манбаси ҳисобланади. Лотин тилида предлоглар "иккинчи даражали" тушунчалар тарзида ифода этилар эди. Предлог шаклланиш тарихини баён қилишда фақатгина ушбу "иккинчи даражали" тушунча доирасини қисқартириш ёки кенгайтириш назарда тутилмайди ва камдан-кам ҳолларда янги маъноларнинг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин. Аксарият манбааларда *dans* предлогининг пайдо бўлиши XII асрга тегишли эканлиги кўрсатилади. Айнан шу даврдаги лотин тилидаги ёзма манбаларда ушбу сўзнинг дастлабки шаклланишига асос бўлган *de intus* (*intus* — ичкарида деган маънони

англатган; эски француз тилидаги *enz* сифатида қўлланган; бу шакл равиш ўрнида фойдаланилган, кейинчалик предлогга айланган) предлогининг лотин тилида ишлатилганини кўришимиз мумкин (4, 1295).

Лотин тили универсал тил бўлганлиги сабабли ушбу тилган сўзлар дастлаб ўз шакли ишлатилиб келинган. Кейинчалик ҳар бир тил уни босқичма-босқич ўз тилидаги талаффуз меъёрларига мослаштириб боришган. Лотин тилида ўзлаштирилган ушбу предлог замон ва макон маъноларини ифодалашда ҳам *dedenz*, ҳам *dedans* шаклида ишлатилган. Тадқиқотчи К. Биссел, *dans* предлогини XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўп фойдаланилаётганини таъкидлайди. (1, 295). Бу даврга келиб лотин тилидан ўзлашган сўз шакли айнан ҳозирги шаклга айлантирилиб бўлган эди.

Ҳамкорликда тадқиқот олиб борган Ф. Брюно ва Ш. Брюнолар *dans* предлогининг келиб чиқишини қуйидагича изоҳлашади: “Ҳозирги француз тилидаги предлог бевосита *dans* сўзидан келиб чиқмаган. Ушбу предлог ҳам лотин тилидаги *de intus* сўзидан шаклланган, XV–XVII асрларда эски француз тилидаги *dedans* қўшма предлогининг парчаланиши натижасида вужудга келган” (2, 642).

Бир қанча муддат мобайнида иккала предлог (*dans va dedans*) мулоқотда параллел равишда ишлатилиб келинган. Иккиси ҳам ёзма манбаларда мавжуд бўлган. Аксарият француз тадқиқотчилари ва тилшуносларининг таъкидлашича, *dans* предлоги *dedans*. предлогидан ажралиб чиққан (3, 309). Улар бунга *sous* предлоги *dessous* предлогидан ажралиб чиққанини мисол қилиб келтиришади.

XVI–XVII асрлардан бошлаб *dans* предлоги ўзининг соф мустақил шаклига эга бўлади. Дастлаб фойдаланиш доирасини ўрин-жой ва вақтга нисбатан ишлатилади. Даврлар ўтиши билан ўзининг макон ва замон қийматларидан ташқари ишлатилиш доирасини кенгайтириб боради. Бу жараёнлар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

dans предлоги дастлаб фақат ўрин-жой, яъни макон маъносига эга бўлган. Диахрония (тарихий тадрижийлик) тадқиқотлар натижаларига кўра, бу сўзнинг этимологияси ўзининг асл маъноси макон семантикаси эканлигини кўрсатади. *Dans* одатда “ички, ичи” тушунчасига эга бўлиб, тобе ва ҳоким сўзлари турли хил тушунчалар бўлиши мумкинлигига қарамасдан барча сўз боғланишларини тавсифлайди. Отли бирикмалар таркибида келадиган *dans* предлоги объектнинг жойлашувини, яъни жойлашган жойини ифодалаш учун фойдаланилган.

Француз тили замонавий луғатларида *dans* предлоги билан боғлиқ турли хил манбалар берилади. Ҳар бир луғатда бошқа луғатларда учрамайдиган изоҳларни учратишимиз мумкин. Изоҳлардаги фарқларга қарамасдан, барча луғатлар учун умумий бўлган асосий иккита маъно бор. Бу макон ва замон маъноларидир. Бироқ, баъзи луғатлар бошқа нашрларда кўрсатилмаган талқинларни қайд этади. Хусусан, *Larousse* онлайн луғатида қуйидаги талқинлари мавжуд (11, 21617):

1. Бир жойнинг ичида (*l'intérieur d'un lieu*):

Les ciseaux sont dans le tiroir — Қайчи тортмада.

2. Ички макон, бирор нарсанинг материални, мазмунини қамраб олмоқ (*l'intérieur, le contenu, la matière de quelque chose*):

Dans ce parfum, il y a de l'essence de rose — бу атирда атиргулнинг моҳияти бор.

3. Ёзувчи, рассом ижодининг мазмуни ўз ичига олмоқ (*le contenu de l'œuvre d'un écrivain, d'un artiste*):

Étudier la question sociale dans Zola — Золадаги ижтимоий саволни ўрганиш.

4. Тўпламга алоқадорлик; орасида, каторида, ичида (*l'appartenance à un ensemble ; parmi, au nombre de, au sein de*):

Il a des personnes influentes dans ses relations — муносабатларида нуфузли кишилар бор.

5. Бирор нарсага муносиблик; мувофиқлик (*La conformité à quelque chose ; selon*):

Agir dans les règles — Қоидаларда (қодидаларга мувофиқ) ҳаракат қилиш.

6. Вазият, ҳолат усули, бажараётган иш услуби (*l'état, la situation où on se trouve, la manière d'être, de faire*):

Il s'est mis dans une sale affaire — у ёмон ишга кирди.

7. Давомийлик; давомида (*le cours d'une durée ; au cours de*):

Je ferai cela dans la journée — мен буни кун давомида қиламан.

8. Келажак содир бўладиган вақт оралиғида; ҳозирги даврдан кейинроқ бошланиш (*le terme d'une durée dans l'avenir; au bout de, d'ici*)

Nous partons en vacances dans huit jours — Биз саккиз кундан кейин таътилга кетамиз.

9. Мақсад, ҳаракатнинг мақсади (*l'objet, le but de l'action*):

Croire dans l'avenir — Келажакка ишониш.

10. Тахмин муносабати, чама қилиш (оғзаки нутқда) (*Une approximation; environ (familier)*):

Ce sac pèse dans les trente kilos — Бу сумка 30 килограмм атрофида чиқади.

Dans предлоги семантикасини ўрганишда маълум бир маъноларининг аҳамияти онгда англашилган тушунчаларни тақдим этишнинг танланган соҳаларини акс эттиради ва уларнинг ишлаш жараёнида ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини кўрсатади.

“Petit Robert” луғатида эса предлогнинг макон муносабатларини уч ўлчамли жой муносабатлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бунда:

1. Уч ўлчамли макон — уч томонлама ўралган, беркитилган ҳолда объектни ўз ичида сақлаш учун мўлжалланган жойга, маконга ёки ўринга нисбатан ишлатилади:

Elle entre dans sa chambre — У хонасига кирди.

2. Икки ўлчамли макон — икки томонлама ўралган, яъни юзаси ичида объектни ўз ичида сақлаш учун мўлжалланган жойга, маконга ёки ўринга нисбатан ишлатилади:

Nous nous promenions un peu dans la forêt — Биз ўрмонда озгина саёҳат қилдик.

3. Бир ўлчамли макон — бунда икки нуктаси мавжуд бўлган эгри ёки тўғри чизикда объектни ўз ичида сақлаш учун мўлжалланган жойга, маконга ёки ўринга нисбатан ишлатилади:

Elle va dans la rue — У кўчада кетмоқда (5, 2173).

Шундай қилиб, биз танлаган асосий уч луғат (Petit Robert (1992), Larousse (онлайн), Littré (1985)да берилган муносабатларни умумийлаштиришга ҳаракат қилдик. Чунки бирида берилган маънони бошқасида берилмай қолиши мумкин экан. Ўрганилаётган предлогнинг қуйидаги маъноларини изоҳларини таъкидлаб ўтиш мумкин:

1. Макон маъносида (ўрин-жой, яъни жойлашиш ёки ичига кириш имкони мавжуд бўлган жойга нисбатан): *dans la maison* — уйда; *dans une voiture* — машинада; *dans un fauteuil* — ўриндикда; *dans la boîte* — қутида.

2. Замон маъносида (айнан бир вақт ёки маълум бир вақт оралиғига нисбатан) *dans l'hiver* — қишда; *dans la nuit* — тунда; *dans l'enfance* — болалиқда; *dans une heure* — бир соатда.

3. Услуб, ҳаракат шакли маъносида: *dans les regies* — жамоавий тарзда; *dans la perfection* — мукамалликда; *dans le style* — усулда, тарзда; *dans l'attente* — умид билан, орзусида.


4. Чама(тахмин) маъносида: *dans un instant* — ҳозирок, шу дақиқада *dans les deux cents francs* — 200 франк атрофида

5. Алоқадорлик маъносида: *dans le secret* — махфийликда, сирли нарсада; *travailler dans la finance* — молия соҳасида ишламоқ.

6. Ҳолат, вазият, шароит маъноларида: *dans l'infortune* — мусибатда; *dans le danger* — хавф-хатарда.

Dans предлоғи отли бирикмаларда кўрсатилган объектнинг жойлашиш ўрнига қараб ўзининг уч ўлчовларидан (уч ўлчамли, икки ўлчамли, бир ўлчамли) бирида ифодаланиши мумкин. Предлогдан фойдаланиш учун маълум бир мотивация, маълум бир тушунчанинг маъносини берувчи геометрик идеал бўлиши керак. Материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, *dans* предлоғи билан ифодаланувчи отли бирикмаларда тобе қисм уч, икки ёки бир ўлчамли шаклда объектни ўз ичида акс эттириши мумкин (9, 151).

1-расм.



Ушбу 1-расмда 3D — бу 3 ўлчамли маконни англатади. Яъни макондаги ҳар бир объектнинг 3 та ўлчами узунлиги, кенглиги ва баландлиги. Ушбу маконни инсон 3 томонлама кўра олиши ва тафаккурида жонлантира олишини англатади. 2D ва 1D ҳам шу тарзда. 2D фақат узунлиги ва кенглиги бўлса, 1D да фақат узунлиги мавжуд бўлади. Ушбу “D” халқаро атамаси, яъни “dimension” — ўлчам деган маънони билдиради. Айнан шу тушунчадан келиб чиққан ҳолда *dans* предлоғи билан ифодаланувчи отли бирикмаларни учта тегишли гуруҳга бўлиш имкони беради:

1) *dans* уч ўлчамли маконни билдирувчи отли бирикмалар таркибида;

2) *dans* икки ўлчамли маконни билдирувчи отли бирикмалар таркибида;

3) *dans* бир ўлчамли маконни билдирувчи отли бирикмалар таркибида.

1. *Dans* предлогининг уч ўлчамли маконни ифодаловчи отли бирикмалар таркибида ишлатилиши.

Ушбу бирикмалар гуруҳи энг кенг тарқалган тур ҳисобланиб, бир объектнинг ўрнини (жойлашувини) бошқасига ўтказишни билдиради. Гуруҳнинг асосларини маконда бўлиш тушунчаларига, аниқроғи маълум бир чегаралари мавжуд бўлган ҳар бир нарсада, яъни чекланган макон, беркитилган ҳудуд сифатида қаралади. Ушбу гуруҳ *dans* предлоги ёрдамида табиий беркитилган маконни ифодаловчи отли бирикмаларни ўз ичига олади.

Бу гуруҳга асосан турли хил бино ва иншоотлар (*бино, уй, хона, ресторан*), транспорт воситалари (*машина, поезд, арава*), механизмлар (*аппаратлар, асбоблар*), мебел буюмлари (*шкаф, ётоқ*), кийим-кечаклар (*халат, махсус кийимлар*), поябзаллар (*этик, шиппак*), қутилар (*ахлат қутиси, яшиқлар*), сумкалар, идиш-товоқлар, босма нашрлар, матнлар, фильмлар, расмлар ва шунга ўхшаш нарсалар мисол бўла олади. Биз ушбу гуруҳни батафсил тавсифлаш учун қуйидаги мисолларни кўриб чиқамиз:

Julien sut si bien faire que, moins d'un mois après son arrivée *dans la maison*, M. de Rênal lui-même le respectait (6, 97).

Жюльен обрў сақлаб, ўзини шу қадар сипо тутдики, унинг *бу уйга* келганидан буён бир ой ўтмасданоқ хатто жаноб де Реналнинг ўзи ҳам уни ҳурмат қила бошлади (8, 45).

Ушбу мисол қилиб берилган бирикмаларда *dans* предлоги ёрдамида уч ўлчамли макон муносабатлари ифодаланган. Уч ўлчамли бўлишига асос сифатида маълум бир чегараларни, яъни жаноб де Реналнинг уйининг деворлар билан чегараланганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Мисолда берилган уй фақат де Реналлар оиласи учун макон ҳисобланади. Унинг ичидан жойлашган шахслар айнан шу оила вакиллари ҳисобланади. Энди шу маконга яна бир шахс Жюльен ҳам қўшилмоқда. Бу ерда шахслар истиқомат қилиш жойи бўлган *уй* сўзига қўшилган *dans* предлоги унинг белгиланган макон ифодасини вужудга келтиришга хизмат қилмоқда.

Elle était accoutumée à avoir ses fils couchés *dans sa chambre* (6, 79).

Аёл ўғилларининг ёнида, ўз *хонасида* ухлашга одатланиб қолганди (8, 36).

Мисолимизда де Ренал хонимнинг хонаси (*dans sa chambre*) уч ўлчамли макон маъносида эканлигини кўришимиз мумкин. Айнан шу хона аёл учун белгиланган ички макон сифатида хизмат қилар эди. Хона уч томонлама (ён, тепа ва ост) чегараланган ва беркитилган макондан сифатида ифода этилмоқда.

Il parlait fort distinctement en entrant dans ces détails, et de façon à être entendu des personnes qui pouvaient être cachées *dans deux grandes armoires d'acajou* qu'il n'avait pas osé visiter (6, 735).

У жуда аниқ-тиник қилиб сўзларди ва мабодо ўзи очиб қарашга журъат этмаган анови қимматбаҳо дарахтдан ишланган улкан *икки шкафда* одамлар яширинган бўлишса, улар ҳам эшитсин деган ниятда атайлаб икир-чикиригача айтмоқда эди (8, 387).

Юқоридаги ушбу мисолимизда предметларни ичига сақлаш учун мўлжалланган шкафлар макон муносабатини ифода этиб келмоқда. Ушбу парчада қаҳрамон қимматбаҳо дарахтдан ишланган улкан *икки шкафда* (*dans deux grandes armoires d'acajou*) асарда предметлар эмас, балки *икки шахс* яшириниб ўтирган деб ўйлаб баланд овозда гапирмоқда. Шкаф ичи унга аниқ кўринмаган бўлсада унинг ичида кимдир беркиниб ўтирганини сезган, бироқ бориб очиб қарашга юраги

дов бермаяпти. Айни шунинг учун шкаф ичидадан жой олган шахсга ўз айтмоқчи бўлган гапларини ташқи томонган айтмоқда.

Уч ўлчамли макон муносабатига инсонлар кийимларини ҳам мисол бўлади. Улар ёрдамида инсон ўзини ўраб олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, инсон ўзини ташқи макондан беркитиб олиши мумкин. Яъни кийим ичида бўлиши мумкин ва ушбу макон инсонни химоя қоплами сифатида хизмат қилиши мумкин. Биз буни қуйидаги мисолда таҳлил қилиб кўрамиз:

— Monsieur, répondit Julien, je suis gêné *dans ces nouveaux habits* (6, 92).

— Афандим, — деди жавобан Жюльен, — *бу янги кийимда ўзимни ноқулай ҳис этипман* (8, 43).

Dans предлогининг инсон кийим-кечаклари, поябзалларини ифодаловчи отлар билан бирикиб уч ўлчамли беркитилган макон сифатида намоён бўлишини юқоридаги каби мисоллар ёрдамида янада аниқроқ изоҳлаш мумкин. Чунки айнан шу предметлар ҳам беркитиш, ичига олиш хусусиятларига эга ҳисобланишади.

Босма нашрлар, асарлар, фильмлар, турли санъат асарлари ва уларнинг муаллифлари номлари ҳам уч ўлчамли маконлар бевосита боғлиқ дея қабул қилинади. Буни қуйидаги мисолларда кузатилиш мумкин:

— Il ne vient que pour déverser le blâme, et ensuite il fera insérer des articles *dans les journaux du libéralisme* (6, 45).

— У жаноб бу ерга фақат бизни қоралаш учун келган, кейин бориб, *либераллар газеталарида* бошимизга тўхмат ёғдира бошлайди (8, 19).

Ушбу мисолимизда жаноб де Ренал либераллар газеталари саҳифасида жойлаштирилган мақоланинг асосий мавзусини бўлиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Газета ва журналлар, одатда, мақолалардан иборат бўлганлиги сабабли, ўз саҳифаларида шахсларни “жойлаб олади”, бу ерда газетани уч ўлчамли беркитилган макон сифатида тушуниш мумкин бўлади.

Кейинги мисолимизда асар ҳам маълум тушунчалар учун макон бўлишини кўришимиз мумкин:

Il puisait cette répugnance *dans les Confessions* de Rousseau (6, 67).

Йигитда бу нафрат Руссонинг “Иқроп” китобини ўқиғач пайдо бўлганди (8, 30).

Мисолда ёш йигитда пайдо бўлган нафрат ҳисси Руссонинг “Иқроп” (*dans les Confessions*) номли асаридан кўчиб ўтган деган фикр илгари сурилган. Кўплаб инсонлар онгидан ўрин олувчи туйғуларнинг асосий қисми аксарияти ҳолларда бадиий асарлар ўқишдан вужудга келади. Чунки асар ўқиш шахс шакллантириш жараёнларига сезиларни таъсир кўрсата олади. Асарларда кўплаб туйғулар, ҳиссиётлар ўрин олган бўлади. Худди шундай ҳолатни кейинги мисолимизда ҳам кўришимиз мумкин:

Ce mot, si souvent répété *dans les récits* de batailles du vieux chirurgien, était héroïque pour Julien (6, 79).

Кекса табиб ҳикояларида жуда кўп такрорланадиган бу хитоб Жюльенга қаҳрамонликка ундашдек туюларди (8, 36).

Ушбу парчада Жюльендаги қаҳрамонликки интилиш ҳисси унга кўп сабоқ берган кекса табиб ҳикояларидан (*dans les récits*) вужудга келган. Ҳикоялар ичидан ўрин олган ижобий ҳислатлар бевосита йигит онгига кўчиб ўтган дейиш мумкин.

Бундан ташқари оғзаки манбалар ҳам макон вазифасини бажара олиши мумкин:

Ces personnages ne reparaissent que trop souvent *dans les anecdotes de M. de Rênal* (6, 56).

Ушбу зотларнинг бари жаноб де Реналь айтадиган *латифаларда* доим тилга олинади (8, 24).

Инсон ўзини ва танасининг қисмларини ташқи макондан алоҳида идрок эта олади. Инсон ўзини турли моддалар, фикрлар, ҳис-туйғулар, ақлий жараёнлар, тилда юзага чиқарилган сўзлар учун ички макон сифатида қабул қила олади:

Julien avait encore *dans l'oreille* les paroles grossières du matin (6, 162).

Жаноб мэрнинг эрталаб айтган кўпол гаплари ҳамон Жюльеннинг *қулоғида* жаранглаб турарди (8, 78).

Ушбу мисолда Жюльеннинг қулоғи (*dans l'oreille*) жаноб мэрнинг эрталаб айтган кўпол гаплари учун макон бўлиб қолган. Ушбу кўпол гаплар таъсири кучлилигидан анча вақтгача қаҳрамон қулоғида муҳим ўрин эгаллаб олган.

Ces sortes de plaisanteries, quand surtout elles portaient sur les maladies de ses enfants, retournaient le poignard *dans le cœur* de madame de Rênal (6, 104).

Бундай ҳазиллардан, айниқса, болаларнинг бетоблиги хусусидаги ҳазилларидан де Реналь хоним зил кетарди (8, 49).

Ушбу жумлада таржимон сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланмаган бўлса-да, асардаги мазмунни ифода этиб бера олган. Болаларининг бетоб бўлиб қолиши ҳақидаги қайғуриш ҳисси хонимнинг юрагидан макон топган. Таржимон ушбу ҳолатни “зил кетмоқ” ибораси билан ифодалаб берган. Инсон юраги, қалби кўплаб ҳиссиётлар, тушунчалар учун макон вазифасини бажара олади.

Тоғлар, қоялар, даралар, ғорлар ҳам уч ўлчамли макон ҳисобланади.

— Avant-hier seulement, je reçois votre lettre de Strasbourg, avec vos cinq cents francs pour les pauvres de Verrières, on me l'a apportée *dans la montagne* à Liveru où je suis retiré chez mon neveu Jean (6, 980).

— Сизнинг Страсбургдан ёзган мактубингизни фақат ўтган куни олдим. Унинг ичида веррьерлик йўқсилларга атаб юборган беш юз франк пулингиз ҳам бор экан, уни менга *тоғдаги* қишлоққа — Ливерюга олиб бориб беришди. Энди мен ўша ерда, жияним Жанникида яшайман (8, 519).

Ушбу мисолда Ливерю қишлоғи жойлашган макон тоғ ичи ҳисобланади. Кичик қишлоқ тоғли ҳудуд ичида жойлашган. Яъни унинг ўраб турган чегараси аниқ бўлиб турибди. Таржимага эътибор берилса, француз тилидаги бир гап ўзбек тилиган учта гап ҳолида таржима қилинган. Таржимон мазмунни аниқ очиб бериш учун ушбу усулдан фойдаланган. Таржима жараёнида баъзан сўзма-сўз таржима қилиш контекстдаги мазмунни очолмай қолади. Таржимондан эса ўқувчига мазмунни чиройли етказиб бериш талаб қилинади. Шундай вазиятда таржимон ихтиёрий равишда гапнинг грамматик структурасини ўзгартириши мумкин. Юқоридаги мисолда ҳам таржимон мазмунни ифода этиб беришнинг ажойиб наъмунасини кўрсатиб бера олганини кўришимиз мумкин.

Юқорида кўриб чиққан мисолларимиз *dans* предлогининг сўз бирикмаларида таркибида келиб объектларни уч ўлчамли маконлар ичига қамраб олгани ифодаловчи энг ёрқин мисоллардир.

2. *Dans* предлогининг икки ўлчамли маконни ифодаловчи отли бирикмалар таркибида ишлатилиши.

Ушбу гуруҳда биз географик тушунчалар (*мамлакат, шаҳар*), очик майдонлар, кўзга кўринмас чегарали жойлар (*дала, чўл, осмон, ёруғлик, қоронғилик, яланглик, бутазор*), атмосфера ходисалари (*туман, қор, ёмғир*) каби отли сўз бирикмаларида *dans* предлогининг икки ўлчамли маконларни ҳосил қилишдаги аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Географик тушунчалар ҳам ўз навбатида макон маъносини англлатувчи номлар ҳисобланади. Инсон онгида бу маконлар гавдаланганда одатда уларнинг чегарасини илғаш мураккаб ҳолат ҳисобланади. Чунки бу тушунчалар инсон тафаккурида мавжуд бўлгани билан уларнинг айна ўзини инсон кўзи билан чегарала олмайди. Макон мавжуд, аммо унинг айна дамдаги кўз билан ажратиладиган чегараси кўринмайдиган шаклда. Бироқ уларнинг чегаралари мавжуд. Кўз билан кўрилмасда улар ўзларининг аниқ чегараларига эга ҳисобланадилар. Чунки ҳар қандай ҳудуд, мамлакат, шаҳар соф шаклда аниқ чегараланган ва бошқа маконлардан ажратилган макон ҳисобланади. Ушбу ифодаларни қуйидаги мисоллар билан тушинтириб ўтаемиз:

Je jouis dans Verrières d'une considération générale, et j'ose dire méritée (6, 258).

Веррьерда ҳам барча мени хурмат қилади ва журъат этиб айтаманки, ҳақли равишда (8, 129).

Ушбу мисолимизда катта бир шаҳар икки ўлчамли макон вазифасини бажармоқда. Қаҳрамон ўз шаҳрини ўзи хурмат топган макон сифатида эътироф этмоқда. Одатда катта шаҳарлар шахс ва предметлар учун макон вазифасини бажаради.

Бу каби мисоллар асарларда жуда кўп учрайди. Масалан, қуйидаги мисолда шаҳар таърифланган:

Dans cette malheureuse ville les manufactures prospèrent, le parti libéral devient millionnaire, il aspire au pouvoir, il saura se faire des armes de tout (6, 231).

Бизнинг *бадбахт шаҳримизда* фабрикалар ғоят тараққий топган, либераллар партияси миллионлаб маблағга эга, у ҳокимиятни ўз қўлига олишни истади ва бу йўлда ҳеч нимадан қайтмайди (8, 114).

Эътиборли томони бу ерда шаҳар икки ўлчамли макон муносабатида ифоланиш билан бир қаторда ўзининг сифати, хусусияти билан бошқа шаҳарлардан ҳам чегараланмоқда, яъни фарқланмоқда. Муаллиф гапларига кўра шаҳар бахтсизликка тўла ва унда амал йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсалар жуда кўп. Асарларда шу каби кўп маконлар ўз хусусиятлари билан бошқаларидан чегараланиб ишлатилади.

Очиқ майдонлар, усти беркитилмаган маконлар ҳам ўз хусусиятларига кўра икки ўлчамли макон вазифасини бажара олади:

Quelques jours avant la Saint-Louis, Julien, se promenant seul et disant son bréviaire dans un petit bois, qu'on appelle le Belvédère, et qui domine le cours de la Fidélité, avait cherché en vain à éviter ses deux frères, qu'il voyait venir de loin par un sentier solitaire (6, 99).

Ана шу авлиё Людовик байрамидан бир неча кун аввал Жюльен оятларни ёдида такрорлаб, Садоқат хиёбонидан юқорирокда жойлашган Бельведер деб аталмиш *дарахтзорда* сайр қилиб юрган пайтда кўкқисдан пастқам сўкмоқларларнинг бирида акаларига дуч келиб қолди (8, 46).

Ушбу мисолдаги *дарахтзорнинг* жойлашган ўрни киши онгида мавжуд бўлса ҳам уни беркитиб турган чегаралари кўзга кўринмайди. Дарахтзорлар, ўрмонлар шу каби макон муносабатини ифода этувчи

жойлар ҳисобланади. Худди юқоридаги мисолимиздаги талқинни қуйида бериладиган мисол ёрдамида ҳам ифодашимиз мумкин:

Il pleurait avec délices, et alla cacher ses larmes *dans les grands bois au-dessus de Verrières* (6, 122).

Кўнгли бузилиб йиғлаб юборди ва кўз ёшларимни ҳеч ким кўрмасин, деб Веррьер узра қад кўтарган тоғдаги *ўрмонга* қочиб кетди (8, 58).

Ушбу мисолдаги ўрмоннинг чегараларини ҳам кўз билан кўриш мушкул вазифа ҳисобланса-да, у маълум макон эканлиги маълум. Таркибида қалин дарахтларни қамраб олган ўрмон ичини ташқи томондан кўриб бўлмайди. Қаҳрамон ҳам кўз ёшларини қолганлардан яшириш учун ўрмоннинг айни шу хусусияти сабабли унинг ичига яширинмоқда.

Майсазор ҳам очик майдон ҳисобланади. У ҳам беркитилмаган макон ҳисобланиб, маълум бир жонзотлар, предметлар учун макон сифатида хизмат қилади:

Les cigales chantaient *dans le champ au-dessous du rocher*, quand elles se taisaient tout était silence autour de lui (6, 159).

Қоя остидаги *майсазорда* сўзанақлар тинимсиз чирилларди, улар тинганида эса ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолар эди (8, 77).

Навбатдаги мисолимиз чегараси кўриниши жуда ҳам ноаниқ бўлган макон ҳақида:

Ennuyé de lui et de madame de Rênal, il voyait avec effroi s'avancer la soirée où il serait assis au jardin, à côté d'elle et *dans l'obscurité* (6, 200).

Ўзидан ҳам, де Реналь хонимдан ҳам аччиқланиб оқшом яқинлашаётгани ва яна бека билан *қоронгида* ёнма-ён ўтириши лозимлигини даҳшатга тушиб ўйлар экан (8, 98).

Қоронғилик ўз ичига кўплаб нарсаларни қамраб олувчи жуда кенг сатҳга чўзилган макон ҳисобланади. Асар қарамонлари ҳам ушбу қоронғилик қаридан жой олишади. Қоронғилик, ёруғлик каби чегарасини кўз билан англаш қийин бўлган маконлар айни икки ўлчамли маконларнинг яққол мисоли ҳисобланади.

Ушбу гуруҳ аввалги каби кенг эмас, лекин юқоридаги мисоллар *dans* предлогининг икки ўлчовли маконни ифодаловчи исмлар билан биргаликда бир объектнинг бошқасига ўтказиш қобилиятини акс эттиради.

3. *Dans* предлогининг бир ўлчамли маконни ифодаловчи отли бирикмалар таркибида ишлатилиши.

Ушбу гуруҳга кирувчи отли сўз бирикмларида *dans* предлоги инсон онгида тўғри ёки эгри чизикли маконлар (*йўлак, йўл, дарё, сатр, кўча, ариқ*) ва нуқталар билан боғланган объектлар (ҳақиқий ёки хаёлий бўлади) билан биргаликда ишлатилади. Улар ҳам ўз чегараларига эга бўлади. Шундай экан уларни ҳам бирор объектни ичига ола оладиган макон деб изохлаш ўринли бўлади. Қуйидаги мисолларда ҳар қандай чизик, кўча ва шунга ўхшаш маконларнинг чегараси мавжуд эканлиги ва бу чегаралар ичида содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар шу маконнинг ичида объектлат бўла олишини кўриб ўтамиз.

Бир ўлчамли маконни ифодаловчи отли сўз бирикмларида *dans* предлоги инсон онгида тўғри ёки эгри чизикли маконлар ва нуқталар билан боғланган объектлар (ҳақиқий ёки хаёлий бўлади) билан биргаликда ишлатилади. Улар ҳам ўз чегараларига эга бўлади. Шундай экан уларни ҳам бирор объектни ичига ола оладиган макон деб изохлаш ўринли бўлади.

Elle se leva, et, tout en ayant l'air de suivre de l'œil quelqu'un qui passait *dans la rue*, elle vint se placer rapidement entre lui et le billard (6, 373).

У ўрнидан турди-да, ўзини *кўчадан* ўтиб кетаётган аллақандай одамни кузатаётгандек кўрсатиб, шоша-пиша йигит билан бильярд ўртасига туриб олди (8, 192).

Ушбу мисолимизда *кўча* чекланган макон сифатида ифодаланмоқда. Унинг ички қисмида одамлар мавжуд бўлади. Шундай экан улар чизик, яъни *кўчада* жойлашган объектлар ҳисобланишади. Бир ўлчамли маконга тўғри ва эгри чизикли шаклга эга бўлган жойлар учун наъмуна бўла олади. Асардаги парчада берилган аллақандай одам *кўча* ичидан ўрин олган объект ҳисобланади. *Кўча* у учун жойлашиш макони вазифасини бажарган. Шу каби катта *кўчалар*, айланма йўллар ҳам бир ўлчамли макон сифатида ишлатилади.

Юқуродига изоҳланган мисол каби бир қанча чизикли маконлар, дарёлар, шоҳ *кўчалар*, сатрларни ҳам бир ўлчамли макон вазифасини бажара оладиган маконлар қаторига қўшишимиз мумкин.

Хулоса. *Dans* предлоғи макон муносабатини ифодалаган отли бирикмалар таркибида ўзининг турли-туман хусусиятларини намоён қилган. Ушбу предлогнинг ўзбек тилига қиёслаб ўрганиш натижасида унинг функционал хусусиятлари турли-туман эканлигига яна бир бор амин бўлинди. *Dans* предлоғи сўз бирикмалари таркибида маконга хос хусусиятларини ифодалаш жараёнида ўзининг уч ўлчамли ифодаларини ҳосил қилади. Яъни, фанга маълум бўлган геометрик тушунча асосида унинг хусусиятлари уч гуруҳга ажратилган. Гуруҳларга ажратиш учун уларнинг чегаралари асосий вазифани ўтайди. Чегараларининг неча томонлама кўра олиш имкониятига қараб учта гуруҳга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ ўзига хос хусусиятларига эга. Энг кенг тарқалган тури уч ўлчамли тури ҳисобланади. Фаол мулоқот даврида ҳам кўпроқ шу турга кирувчи ифодалардан фойдаланилади. Кўплаб ҳолатларда *dans* предлогининг макон ва замон маъносини аниқ ажратиш бўлмайди. Чунки предлог бир вақтнинг ўзида иккала хусусиятни ҳам ифолаб кела олади. Бундай ҳолларда, асосан, контекстга қараб предлогнинг вазифаси аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bissel C.H. Prepositions in French & English. — New York: Richard R. Smith, 1947. — 561 p.
2. Brunot F., Bruneau Ch. Precis de grammaire historique de la langue française. — Masson et C°, Editeurs, 1956. — 642 p.
3. Cervoni J. La preposition: Etude semantique et pragmatique. Louvain-la-Neuve, Editions Duculot, 1991. — 309 p.
4. Littré E. Dictionnaire de la langue française / Abregé par A. Beaujean. — P.: Vernoy, 1985. — 1295 p.
5. Le Petit Robert. Dictionnaire alphabétique et analogique de la langue française / Redaction dirigée par A. Rey et J. Rey-Debove. — Montreal: Les Dictionnaires Robert, 1992. — 2173 p.
6. Stendhal. Le Rouge et Le Noir. — Paris, Le Divan 1927. — 1086 p.
7. Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Филол. фан. докторлик дис. ... — Тошкент: 2017. — 232 б.
8. Стендал. Қизил ва Қора. 1830 йил хроникаси. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти. 1986. — 592 б.

9. Федотова М.А. Семантика предлога *dans* в именных сочетаниях в современном французском языке (когнитивный аспект). Дис. ... канд. филол. наук: 10.02.05 / ИГЛУ. — Иркутск, 2004. — 151 с.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. — 148 б.
11. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/dans/21617?q=dans#21494>

References

1. Bissel C.H. *Prepositions in French & English*, New York: Richard R. Smith, 1947, 561 p.
2. Brunot F., Bruneau Ch. *Precis de grammaire historique de la langue française*, Masson et C^o, Editeurs, 1956, 642 p.
3. Cervoni J. *La preposition: Etude semantique et pragmatique*, Louvain-la-Neuve, Editions Duculot, 1991, 309 p.
4. Littré E. *Dictionnaire de la langue française / Abrege par A. Beaujean*, P.: Vernoy, 1985, 1295 p.
5. Le Petit Robert. *Dictionnaire alphabetique et analogique de la langue française / Redaction dirigeée par A. Rey et J. Rey-Debove*. Montreal: Les Dictionnaires Robert, 1992, 2173 p.
6. Stendhal. *Le Rouge et Le Noir*, Paris, Le Divan 1927, 1086 p.
7. Pardaev A. *Uzbek tili erdamchi suz turkumlarining lisonii tizimdagı urni va lingvopragmatikasi* (The Role of Auxiliary Vocabulary in the Linguistic System of the Uzbek Language and Lingvopragmatics), Doctor's thesis, Tashkent, 2017, 232 p.
8. Stendal. *Kizil va Kora. 1830 iil khronikasi* (Red and Black. 1830 year Chronicle), Tashkent, 1986, 592 p.
9. Fedotova M.A. *Semantika predloga dans v imennykh sochetaniyakh v sovremennom frantsuzskom yazyke (kognitiv aspekt)* (Semantics of the Preposition *dans* in Nominal Combinations in Modern French (cognitive aspect)), candidate's thesis, Irkutsk, 2004, 151 p.
10. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Besh tomlik, Tashkent, 2006, 148 p.
11. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/dans/21617?q=dans#21494>